







## РЕВОЛЮЦИЯГА БАХШИДА УМР

ЎЗБЕКИСТОН МЕХНАТКАШЛАРИ РЕСПУБЛИКАНИНГ  
БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ ЙЎЛДОШ ОХУНБОБОВЕВ  
ТУ-  
ФИЛГАН КҮННИНГ 100 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАМОҚ-  
ДАЛАР.

Камбағал меҳнаткашлар ораси-  
дан чиққан Йўлдош Охунбобоев  
Ўзбекистонда ленинча иллий сиё-  
сатини амалга оширишнинг актив  
қатнашчиси бўлди.

Унинг револлюционер, халқ иши  
учун курашчи сифатида шакллани-  
шида Ўрта Осиё халқларининг  
1916 йилдаги қўзғололи муҳим  
роли ўйнади. Ўшанда чор ҳуку-  
мати Туркистон туб аҳолисини фар-  
дикорликка олиш тўғрисида фар-  
мон чиқарган эди. 1917 йилги  
феврал революцияси даврида Йў-  
лдош Охунбобоев Фарғона водийси-  
да деҳқонларнинг революцион ҳа-  
ракатида бошчилиги қилди. Улуғ  
Октябрь социалистик революция-  
сидан сўнг у катта ташкилотчилик  
ва тарғиботчилик ишларини олиб  
борди. Гражданилар уруши йилла-  
рида Н. Охунбобоев кўнгилдилар  
отрядларидан бирини командирлик  
қилди.

Партия революция иши учун  
садоқатли курашчи меҳнаткашлар  
оммасининг моҳир ташкилотчиси  
Йўлдош Охунбобоев раҳбарлик  
лавозимида кўп вақт ўтказди. У  
аввал кишлоқ советининг раиси, сўнг  
«Қўшчи» Марғилон уезд комитети  
сиёсий раиси бўлиб ишлад-  
ди. 1921 йил майда Йўлдош  
Охунбобоев Коммунистик партия  
савита кирди.

1924 йилда ўтказилган иллий-  
давлат чегараланиш даврида Й.  
Охунбобоев катта ташкилотчилик  
ва сиёсий ишларини олиб борди. У  
«Қўшчи» союзининг йиғилишлари-  
да тез-тез сўзга чиқиб, деҳқон-  
ларга Ўзбекистон ССР ва Ўзбе-  
кистон Коммунистик партияси таш-  
кил этилишининг аҳамиятини ту-  
шунтириб берарди.

СССР Марказий Ижроия Коми-  
тетининг иккинчи сессияси 1924  
йил 27 октябрда Ўрта Осиё халқ-  
ларининг хоҳиш-иродасини ҳисоб-  
га олиб, Ўзбекистон ССР ва Ўзбе-  
кистон Коммунистик партиясини  
ташкил этиш тўғрисида қарор қа-  
бул қилди.

1925 йил 6 февралда Бухорода  
бўлиб ўтган Ўзбекистон Комму-  
нистик партиясининг биринчи съез-  
дида Йўлдош Охунбобоев ёрқин  
нур сўзлаб, Фарғона деҳқонлари-  
нинг аҳоли тўғрисида таъкир  
берди. Бу съездда у Ўзбекистон  
Компартияси Марказий Комитети-  
нинг аъзоси, съезддан сўнг бўлиб  
ўтган пленумда Марказий Коми-  
тет Бюросининг аъзоси қилиб сай-  
ланди. Советларнинг I тавсиси съез-  
дида Йўлдош Охунбобоев Ўзбеки-  
стон ССР Марказий Ижроия Коми-  
теи Раиси қилиб сайланди. У то  
умрининг охиригача — ўн саккиз  
йил давомида ана шу вазифада  
ишлади.

СССР барча халқлари каби ўз-  
бек халқи тарихида ҳам 1925 йил  
13 майда бўлиб ўтган Советлар-  
нинг III Бутуниттифок съезди  
ажойиб воқеа бўлди. Съездда сўз-  
га чиққан Йўлдош Охунбобоев ўз-  
бек халқининг хоҳиш-иродасини  
ифода этиб, Ўзбекистон ССР Со-  
вет Социалистик Республикалари  
Иттифокига ихтиёрий равишда  
киришкучи эканлигини айтиб, съез-  
дан бу илтизомни қондиришни сў-  
ради. III Бутуниттифок съезди  
Ўзбекистон ССР ва Туркистон  
ССР Иттифокни составга  
кириштиш тўғрисида қарор қабул  
қилди.

Республика ташкил этилган  
дастлабки куналардан бошлаб Ўзе-  
кистон ССР партия ва совет ор-  
ганлари олдига экономика, маданият  
ни ривожлантириш соҳасидаги му-  
ҳим вазифаларни ҳал қилиш му-  
аммоси турарди. Уларни ҳал этиш  
республикада Совет курилишини  
янада такомиллаштириш билан бе-  
восита боғлиқ эди.

Қишлоқларда коммунистлар  
ишини активлаштириш, партияси-  
за меҳнаткашлар конференциясини  
чакриш, ижроия комитетларини

омма олдига ҳисоб беришини йўл-  
га қўйиш, республика раҳбар ор-  
ганларининг куйи ашпарат билан  
алоқасини мустаҳкамлаш орнали  
маҳаллий Совет органларининг  
ишини сезиларли даражада жон-  
ландириш муваффақ бўлиди.  
Йўлдош Охунбобоев Советларга  
бюрократларча раҳбарлик қилиш  
методида қарши қатъий кураш олиб  
борган. У Советлар фаолиятида  
социалистик демократияга қатъий  
роҳ этилишининг талаб этар, ки-  
лоқлар ва волостларда Совет хо-  
киматиининг барча органлари халқ  
олдида ҳисоб беришларига эришиш  
учун курашарди. Уезд ва волост  
советлари ижроия комитетларининг  
сессиялари мунтазам ўтказиб ту-  
риларди. Ҳокимиятнинг олий ор-  
ганлари ҳам меҳнаткашлар олдида  
ҳисоб берарди. Масалан, 1925  
йилнинг октябрда Андижонда Ўз-  
бекистон ССР Марказий Ижроия  
Комитетининг сессияси бўлиб ўтди.  
Унда республика ҳукумати Анди-  
жон меҳнаткашлари олдида ҳисоб  
берди. Йўлдош Охунбобоев ана шу  
сессияда доклад қилди. 1926 йил  
январь ойда Йўлдош Охунбобоев  
Ўзбекистон маданият-оқартув муас-  
сасалари ходимларининг биринчи  
съездида республика ҳукуматининг  
Ўрта Осиё республикаларида мил-  
лият-давлат чегараланиши ўтказил-  
ганлигидан кейинги даврдаги фао-  
лияти тўғрисида ҳисоб берди.

1927 йил март ойда бўлиб ўт-  
ган Ўзбекистон ССР Советлари-  
нинг II съездида республика бар-  
ча областларида эришилган катта  
муваффақиятларга эришилди.  
Йўлдош Охунбобоев съездда ки-  
риш нутқида Совет Иттифокининг  
ленинча ички ва ташқи сиёсатини  
амалга оширишда эришган улкан  
муваффақиятлари тўғрисида гапи-  
риб берди.

Республика Советларининг II  
съездида Ўзбекистон Совет Соци-  
алистик Республикасининг биринчи  
Конституцияси қабул қилинганли-  
ги муҳим воқеа бўлди. Конститу-  
ция лойиҳаси тўғрисида Ўзбеки-  
стон ССР Марказий Ижроия Коми-  
тетининг Раиси Йўлдош Охунбобо-  
ев доклад қилди.

Ўзбекистон ССР Конституцияси  
Ўзбекистон Совет Социалистик  
Республикаси ички ва деҳқонлар  
республика доирасида марказда ва  
жойларда бутун ҳокимият ишти-  
ро, деҳқон ва қишлоқ армиячи депутат-  
лар советларига тегишли эканли-  
гини тасдиқлади.

Ўзбекистон ССР Марказий  
Ижроия Комитетининг Раиси  
лавозиимида ишлаган кўп йил-  
лик давр мобайнида Йўлдош Охун-  
бобоев Советлар фаолиятини  
донийиқ диққат марказида тутди.  
У кишлоқ Советлари фаолиятига  
алоҳида эътибор берарди. Н. Охун-  
бобоев «Қизил Ўзбекистон» газе-  
тасининг 1932 йил 15 декабрдаги  
сонидан эълон қилинган «Советлар  
ишини мустаҳкамлаш» мақола-  
сида Советларнинг серкира фао-  
лияти тўғрисида ёзиб, энг яхши  
кишлоқ Совети учун кўрик-кон-  
курс ўтказишни таклиф этди.

Йўлдош Охунбобоев содда, са-  
лимий, гоёт софид инсон эди. У  
бутун умрини социализм, халқ  
бахт-саодатининг буюк иши учун  
курашга бахшида этди. У зунко-  
лик билан ижтимоий-сиёсий ҳаёт-  
нинг кўндал-кўл муаммоларини,  
кенг халқ оmmasининг талаб-эhti-  
бларини теда илғаб оларди.  
Унинг ҳалол, фидокорона, серкир-  
ра фаолияти халқ ва Ленин пар-  
тиясига хизмат қилишининг ёрқин  
тисмонидир.

Л. ЗОТОВА,  
Ўзбекистон Компартияси Мар-  
казий Комитети ҳузуридаги пар-  
тия тарихи институтининг илмий  
ҳодими.



## Йўлдош Охунбобоев номи билан

Ўзбек халқининг улуғ  
фарзанди Йўлдош Охун-  
бобоевнинг номи бутун-  
ги кунда халқимиз хо-  
тирасидан ўчмас жой  
олган. У бутунги пор-  
лоқ ҳаётимиз учун, бу-  
гунги бахтли турмуш-  
имизнинг янада гўзал бў-  
лиши учун бутун ҳаётини  
бағишлаган инсонлар  
дан биридир. Янги жа-  
миятнинг барқарор топ-  
иш учун у бутун куч ва

билимининг сафарбар эт-  
ди, улуғ Ленин гоилари-  
нинг тантанасига муно-  
сиб ҳисса қўлди. Шу  
бондан ҳам бутунги  
кунда кўчалар, майдон-  
лар, қолхоз ва совхоз-  
бовега хайкал қўйилган.  
Бу хайкал партия ва  
халқнинг содиқ фарзан-  
ди гоилари тантанаси-  
нинг рамзи сифатида  
туртибди.

Тошкент тўқимачилик  
комбинати курилишида  
биринчи бўлиб ёши кўй-  
ганлиги учун халқ оқ-  
соқоли Йўлдош Охунбо-  
бовега хайкал қўйилган.  
Бу хайкал партия ва  
халқнинг содиқ фарзан-  
ди гоилари тантанаси-  
нинг рамзи сифатида  
туртибди.

Тошкентдаги энг кек-  
са медицина билим  
юртларидан бири Йўл-  
дош Охунбобоев номи  
билан аталди. У бир  
вақтлар шарқ хотин-қиз-  
ларининг саводли бўли-  
шини орзу қилган эди.  
Бутунги кунда халқ оқ-  
соқолининг орзулари  
амалга ошиб, ўзбек хо-  
тин-қизлари орасидан  
олимлар, етук мадан-  
ият ва маориф ходимла-  
ри етишиб чиққан. Улар  
бугунги кунда тинч меҳ-

натининг олдинги сафла-  
рида боришапти.  
Фотомухбиримиз Т.  
Каримов тўшириб келган  
учинчи суратда Йўлдош  
Охунбобоев номи кўча  
таъсирланган, Тошкент  
нинг бу кўм-қў, кўҳна  
бурчақ халқ оқсоқоли  
номини доимо эслатиб  
туради. Шаҳримизнинг  
янада кўркам бўлишини  
у орзиқиб ҳавас қилган  
эди.

## ЧЕХРАСИДАН НУР ЁҒИЛГАН ИНСОН

Йўлдош Охунбобоев-  
нинг бутун ҳаёти халқ-  
қа чексиз садоқат би-  
ла хизмат қилиш, хо-  
назон Коммунистик  
партия, коммунизм ку-  
рилиши учун ишга  
мислсиз содиқлигининг  
ақдол намунасидир.

У ҳақиқий комму-  
нист сифатида доимо  
халқ орасида бўлиб  
келган эди. Халқнинг  
тақрибасини, донолиги-  
ни ўрганган ва булар-  
дан давлат ишларида  
жуда унумли фойда-  
ланган. Халқ уни ўз  
отасидек яхши кўрар  
ва севар эди.

Улуғ Ватан уруши  
нинг оғир йилларида  
Йўлдош Охунбобоев  
мамлакатимизнинг Фар-  
бий районларидан кў-  
чириб келтирилган кор-  
хоналарини жойлашти-  
риш ва тезроқ ишга  
туширишда катта жон-  
бозлик кўрсатди.

Йўлдош Охунбобоев  
Улуғ Ватан уруши йил-  
ларида соғлиғи ёмон-  
лашганига қарамай ўзи-  
нинг куч-гайратини асо-  
ло аямасди. Немис-фа-  
шист босқинчиларига  
қарши муқаддас кураш-  
га оммани жалб этиш-  
нинг толмас ташкилот-  
чи, оташин ватан-  
парвар нотик сифатида  
ўзини тўла намоён  
этди. 1941 йил  
қиш даврида душман  
Москвага хавф солиб  
турган бир паллада у  
Ўзбекистон меҳнат-  
кашлари вакиллари де-  
легациясига бош бў-  
либ, ғарбий фронтга  
йўл олди. Ўзбек жанг-  
чиларини қаҳрамонна  
жасоратларга даъват  
этди.

И. Охунбобоев оддий  
батракликдан йирик  
сиёсий давлат арбоби  
даражасигача бўлган  
шонли йўлни босиб ўт-  
ди. Унинг партия ва  
халқ олдидаги хизмат-  
лари муносиб тақдир-  
ланди. У Ленин орде-  
ни, икки марта Меҳнат  
Қизил Байроқ ордени  
билан мукофотланди.

Йўлдош Охунбобоев  
нинг ҳар бир сўзи,  
амалий ишларида, ин-  
соний жазоига, ҳурмат,  
одамга эътибор билан  
қаршини янқол сезилиб  
туради. Масалан, у  
бирон одам билан суҳ-  
батлашганда унинг  
кўзларига меҳр билан  
қўйиб турар, фақат  
унинг сўзларининг  
эмас, балки қалбни  
ҳам тушунишга инти-  
лар эди. Биз ҳар гал  
у билан учрашганимиз  
да қалбимизда катта  
кувонч ҳис қилардик.  
Унинг сўзларини кўп  
марта тинглаганимиз.

Ажойиб ташкилотчи-  
лик қобилиятига эга  
бўлган Йўлдош Охун-  
бобоев ўзининг жуда  
катта ҳаётий тақриба-  
сини республика сано-  
ати, пахтачилиги, фан  
ва маданиятининг ривож-  
лантиришга бағишлаган.  
Ўзбекистоннинг Йўл-  
дош Охунбобоев борма-  
ган бирон жойини ай-  
тиш қийин.

Биз бевосита Йўл-  
дош Охунбобоевнинг  
раҳбарлиги остида Ўз-  
бекистон ССР Олий  
Совети Президиуми-  
нинг аппаратида иш-  
лашдек катта бахтга  
сазовор бўлганимиз. У  
ўзининг ҳар бир ходи-

ми билан жуда оҳис-  
та, мулоим овозда,  
гоҳида эса чинакамига  
ҳаяжонланган ҳолда  
ахтирос билан суҳбат-  
лашар эди. Биз унинг  
оташин нутқларини  
кўп марта тинглаган-  
миз.

Йўлдош Охунбобоев  
ҳамиша қувноқ, тетик  
киши эди. Ҳазил-му-  
тоибани севар, воқеа-  
ларга беҳад қизиқар  
— у бизнинг хотира-  
мизда бекиес куч-гай-  
ратга тўла, кучли иро-  
дали ва доно инсон сифа-  
тида сақланиб қолди.

Телевидение тўри-  
сида ҳукумат қабул  
қилган қарорга жаҳон-  
да биринчи бўлиб дав-  
лат арбоби сифатида  
имзо чеккан Ўзбекис-  
тон ССР Марказий  
Ижроия Комитети-  
нинг Раиси Йўлдош  
Охунбобоев бўлган  
эди. Қадимий Тошкент-  
нинг Шайхонтоғур да-  
ҳасидаги кичкина  
қайда лаборатория т  
қийл этган. Қизил ар-  
миячи гимнастеркаси-  
ни кийган йигитнинг  
кашфийетини деҳқонча  
содда ва доно инсон  
муносиб баҳолаган эди.  
Шунинг учун ҳам те-  
левидение тарихида  
«Ўзбекистон ССР Мар-  
казий Ижроия Коми-  
тетининг Раиси ўртоқ  
Охунбобоевнинг тақ-  
лиди асосида» деган  
сўзлар билан бошлан-  
ган ҳужжат фахрини  
ўрин тутди.





Ана шу тақлиф асо-  
сида қўрилган тадбир-  
лар турфайил Тошкент  
университети олимла-  
ри, Илмий номидаги за-  
вод ишчилари, Ленин-  
граддаги «Светлана»  
заводи ишчиларининг  
кумағида ўйланган бу  
орзу рўбега чиқди.  
Шу тадбирлар тў-  
ли 1928 йил 3 август  
куни экранда илк тас-  
вир пайдо бўлди.

Сиёсий арбоб сифа-  
тида Йўлдош Охунбо-  
боев энг яхши фа-  
зилатлар шаклланиши-  
га атоқли ленинчи М. И.  
Калинин билан учра-  
шув ва суҳбатлар, 1925  
йил февраль ойда  
ўтган Ўзбекистон Со-  
ветларининг I сессия-  
сида иштирок этиш  
жуда катта таъсир  
қўрғанди.

Биз шуни қомил  
ишонч билан айта ола-  
мики, давлат сиёсати-  
нинг йирик масалала-  
рида ҳам, ишчилар би-  
лан ўзаро муносабат-  
да ҳам, дўстлар дав-  
расида ҳам инсонга  
сезгирлик ва эҳтиро-  
ллик доҳиймиз В. И.  
Лениннинг муносиб  
шотирди эди.

Ўртоқ Охунбобоев  
оташин револлюцион-  
ер меҳнаткашлар душман-  
ларига мурасис, гол-  
мас курашчи, ажойиб  
нотик, чин коммунист  
эди. Биз уни ажойиб  
инсон, чеҳрасидан нур  
ёғилиб турган киши  
сифатида билардик ва  
ҳамиша хотирамизда  
шундай инсон бўлиб  
қолади.

Соат МАҚСУДОВ,  
Ёкуб МОРДУХАЕВ,  
Ўзбекистон ССР  
Олий Совети Прези-  
диумининг собиқ хо-  
дими, Ўзбекистон  
ССРда хизмат кўрсат-  
ган юристлар.



## ОТА

ҲАБИБ НУЪМОН,  
АХМАД ШОРАХМЕДОВ.

РОМАНДАН ПАРЧА

Тошкентнинг Пушкин кўчасидаги  
Марказий Ижроия Комитети  
олиги бирин-кетин келиб тўтган  
машинлардан Ахмад Икромов,  
Охунбобоев, унинг муовинлари  
тушиб, тўрт залга кириб бориш-  
ди. Бу ерда уларни Марказий  
Ижроия Комитети ходимлари кут-  
иб туришар эди. Улар билан  
бирма-бир кўришиб, юқорига  
ўттиди.

Ҳамама жини. Бир Икромовга,  
бир Охунбобоевга қарашарди.  
Икромов ўрнидан турди.  
— Мама жумхуриятимизнинг  
оқсоқоли Йўлдош акамни олиб  
келдик. Бутун президентилик сто-  
лига биринчи ўлтиришлари маро-  
симини ўтказамиз.

Одамлар манану жинийлаиб,  
қарсақ чалиб юборишди. Икромов  
ҳазил аралаш гапини давом эт-  
тирди:  
— Йўлдош акам ўртоқ Калинин  
билан Фарғонани айланиб, анча  
ҳавойи бўлиб қолган бўлсалар ке-  
рак, энди кабинетда ҳам бир ўл-  
тириб кўрсинам.

Залда англик кулги кўтарилди.

Кулимсираб турган Охунбобоев  
Икромовга қараб деди:  
— Мен кабинетга ўтқазиб, ат-  
рофдан беҳабар қилиб қўймоқчи-  
микин?

— Йўлдош, ундай эмас, — Ик-  
ромов янги жумхуриятнинг деворага  
осмонлик катта харитасини кўрсат-  
ди. — Мама бу сиз билан бизнинг  
ҳамама вақт, кабинетда бўлсан  
ҳам, ташқарда бўлсан ҳам, кўз  
ўнгимизда туради. Лекин сиз айт-  
гандек, атрофдан беҳабар қол-  
маслигимиз керак, албатта. Йўл-  
дош акам бугун иш бошлайдик-  
лар, — у одамларга юзланиб  
киндирди гапига бошлади. —  
Янги жумхуриятимиз муносиб пре-  
зидентга эга бўлди. Олдимизда  
катта вазифалар турпти. Бу ва-  
зифаларни бажаришда биз ҳам,  
сиз ҳам — ҳаммамиз Йўлдош  
акамга ёрдам беришимиз керак.

— Қўлимиздан келганча ёрдам  
берамиз, меҳнатимизни аямай-  
миз, — дейишди залдагилар.

— Раҳмат, сизларга, шундай бў-  
лиш керак.

Масуул котиб Охунбобоевни  
булиб бошлиқлари ва бошқа  
ходимлар билан таништириб чиқди.  
Сўнгра Икромов Охунбобоевнинг  
олдига бориб: «Қани, Йўлдош  
акам, шу ўлтиришлар номидан, бу-  
гунги ўзбек халқи номидан сизни  
ана бир марта табриклаб, киши-  
га муваффақият тилаймиз»,  
деди. «Мама, кўндал-кўл де-  
яни «қани кабинетингизга мар-  
хат деб хайрлашиб чиқиб кетди.  
Залдагилар икки раҳбарга тикли-  
ганча баъзилар тўқилишиб кет-  
ди, баъзиларнинг кўзига севимчи  
ёш келди.

Илк ҳис-туйғу оғушида алла-  
нечук бўлиб кетган ходимлар  
жимгина зона-хоналарига кириш-  
ди.

Мирза катта эшикнинг бир та-  
вақасини очиб, Охунбобоевни ичи-  
карига йўллади:  
— Марҳамат қилинг.

Охунбобоев ичкари кирди. Мир-  
за унинг ҳар бир ҳаракатини ку-  
затиб, хизматига ҳозир турарди.

Гилам тўшалган кенг кабинет  
тўрдаги девора Лениннинг кат-  
та сурати ослган. Устига / мовут  
сирилган ёзув столда мармар  
снэхдон, ҳар хил қаламлар солин-  
ган довод, календар, дафтар, оқ  
қоғозлар турарди. Ёзув столга  
тақаштириб қўйилган ва устида  
кўм-қўм мовут ёлпиган узун стол-  
нинг икки томонидан стуллар. Бир  
томонда шаф, унга китоблар  
терилган. Бир томон ийрик кўз-  
ли катта деразалар бўлиб, хона  
ёруғ. Қарши томондаги деворин

залдагидан кичикроқ харита —  
жумхуриятнинг янги харитаси қо-  
лланган.

Охунбобоев хонани кўздан ке-  
чириб, тўрдаги креслога бориб  
ўтирди. Шу пайт у ўзига аллақандай  
бир ҳолат сезди. Стол ёнида  
тикка турган Мирзага сездирмай  
жиламай қўйди, лекин дарров  
ўзини тутди.

— Ишни бошладик бўлмаса, —  
деди, — папкаларин олиб келинг-  
чи!

Мирза чиқиб кетди.

Мирза Абдулла рус-тузем мак-  
табда ўқиган, адабийта қизиқа-  
диган дурустгина қалам соҳиб,  
сиёсатдан баҳардор, ўттиз ёшлар-  
даги йигит бўлиб, Охунбобоевга  
ёрдамчи қилиб тайинланган. Қо-  
рачадан келган, истараси иссиқ,  
қаққон йигит биринчи таништи-  
ришгандаёқ Охунбобоевга қўйиб  
қолган эди. У хийла қалин пап-  
кани олиб келиб, стол устига қўй-  
ди-да, столнинг олдида қадалган  
туғмачанг кўрсатди.

— Мен керак бўлсам, шуни бо-  
сасиз.

— Халқ шунақа тилсимин ҳам  
бор дег.

— Ҳа, шунақа, — Мирза кўлди-  
ган, икки қадам орқасига ташлаб,  
юриб чиқиб кетди.

Раис папкани очиб, хатларини  
кўздан кечира бошлади. Батларини  
ўқиган сари қизиқиб орта бор-  
ди! Арзизларининг мазмунини ҳар  
хил ер-сув жанжалли, оила можа-  
роси, бу қизларини зўрлаб эрга

бериш, мактаб-маориф, солиқ  
масалалар ва ҳоказо...

Самарқанднинг узоқ қишлоғи-  
дан ёзилган арзизнинг тағига эга-  
сининг номи ёзилган, икки насаб  
қилишни айтилмаган. Раис арзи-  
ни ўқиди: «Сайтон арғи менга  
ота-бободан мерос қолган, қўл-  
имда вақимдан бор. Шу вақтгача  
бу арғидан ўзим фойдаланиб ке-  
лар эдим. Энди қишлоқдаги деҳ-  
қонлар шу арғидан тароқч чика-  
риб, менга ҳам қанақа ҳам қўла-  
масдан ерларини сугоришмоқчи.  
Шўро ҳукумати даврида бирон-  
нинг васиқақили сувадан ичаве-  
риш мумкиними?»

Арзизнинг мазмунидан эгаси  
каттагина мулдор эканлиги маъ-  
лум эди. Охунбобоев истеҳзо  
билан кўлди: «Ҳа, бечора, васи-  
қанинг мухри сийка бўлиб қо-  
лгандан талласага тушганга ў-  
хшайсан!»

Уни нари қўйди-да бошқасини  
олди. Бу арзиз Фарғона водий-  
сидан бўлиб, бир муаллим ёзган  
эди: «Қишлоғимизда янги мактаб  
очилганига тўрт ой бўлди. Шун-  
дан бери болалар 10—15 нафар-  
дан ошмапти. Маскундининг ило-  
ми ўғил болаларни, унинг хотини  
отинбуви қизларни эски усулда  
ўқитиб келадди. Амми ҳам шуни  
била туриб индамайди Одамлар-  
га газета ўқиб берсам, ташвиқот  
қилсам, амми менга бошқача қа-  
райди. «Домлага тил теккизма»,  
дейди. Уезд маорифига ҳам хат  
ёзди. Ҳеч натижа чиқмапти. Бо-  
лаларнинг қўлчилиги саводсиз қо-



БИЗНИНГ  
ФОТОАРХИВИМIZДАН  
СУРАТДА: «Ота» ром-  
анининг муаллифлари  
Ҳабиб Нўмон (ўнгда) ва  
Ахмад Шорахмедов. (Су-  
рат 1970 йилда олинган).

лаятли. Мактабимизни йўлга қў-  
йишга ёрдам беришингизни сў-  
райман.

Бу арзизни иккинчи томонга  
олиб қўйди.